

## Психолог билан учрашув

2018-йил 13-март куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 3-талабалар турар жойида яшовчи талаба қизларни муаммолари билан танишиш юзасидан институтимиз психологи Нарметова Юлдуз Каримовна 3-талабалар турар жойига ташриф буюрдилар.

Ташриф мобайнида ётоқхона директори З.Юлиев, ётоқхона мудир И.Қурбонов ҳамда педагог тарбиячи А.Хайитовалар ётоқхонада яшовчи талаба қизлар билан яқка тартибда суҳбатлар уюштиришди.

Суҳбат жуда қизғин ва мазмунли бўлиб ўтди ҳамда суҳбат доирасида талаба қизларнинг таклиф ва мулоҳазалари билан танишдилар.

Суҳбат якунида ётоқхонада яшовчи талаба қизлар институтимиз психологи Ю.Нарметовага ўз миннатдорчиликларини билдиришди.



**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**